

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси янги “Газел” русумли енгил юк машинасига эга бўлди
Бу ҳақда “Фарғона ҲЭТК” АЖ Матбуот хизмати [маълум қилмоқда](#).

“Жамиятимиз раҳбарияти томонидан хар бир бўлим, хизмат, туман ҳамда шаҳар электр таъминоти корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг иш самарадорлиги ошириш, улар учун қулай шарт-шароит яратишда доимий эътибор қаратиб келинмоқда.



Бугун, **Ўзбекистон ҳамда Фарғона туман электр таъминоти корхоналари**га фаолият давомида наъмунали иш ташкил қилгани, давлат дастурлари ижросини бажарилишида жонбозлик кўрсатиб келаётганликлари учун, хизматда фойдаланиш учун жамиятга олиб келинган, 2 дона “Газел” русумли енгил юк машинаси топширилди.

Эндиликда, **Ўзбекистон ва Фарғона туман электр таъминоти корхона**лари ходимлари туманда юзага келган электр таъминотидаги аварияли ҳолатларда тезкорлик билан хизмат кўрсатиш, бундан ташқари электр таъминотини яхшилаш борасидаги қатор дастур ва қарор ижроларини бажарилишида ишчи ходимларга қулайлик бўлди”, - дейилади “Фарғона ҲЭТК” АЖ Матбуот хизмати хабарида.

Фотолар: “Фарғона ҲЭТК” АЖ Матбуот хизматига тегишли

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати